

**И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ (МТУ) РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.Т/РЕД.99.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РУЗИКУЛОВА НИГОРА ШУХРАТОВНА

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ АХБОРОТЛАР БИЛАН
ИШЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Рузикулова Нигора Шухратовна

Бошланғич синф ўқувчиларининг ахборотлар билан ишлаш
компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш.... 3

Рузикулова Нигора Шухратовна

Совершенствование методики развития компетенций работы с
информацией учащихся начальных классов..... 23

Ruzikulova Nigora Shuxratovna

Improving the methodology of developing of competence of working with
information of primary school pupils..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ (МТУ) РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.Т/РЕД.99.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РУЗИКУЛОВА НИГОРА ШУХРАТОВНА

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ АХБОРОТЛАР БИЛАН
ИШЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped512 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gupkin.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Джамалов Сирожиддин Зухриддинович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Усаров Жаббор Эшбекович
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси И.М. Губкин номидаги (МГУ) Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ҳузуридаги DSc.22/30.12.2019.T/Ped.99.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 34-уй. Тел.: (99871) 262-70-91 / факс: (99871) 262-70-90, e-mail: info@gubkin.uz)

Диссертация билан И.М. Губкин номидаги (МГУ) Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 34-уй. Тел.: (99871) 262-70-91.)

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

А.М. Магрупов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

А.А. Усманова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

Э.Р. Юзликаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришнинг самарали механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилган. Жанубий Кореяда ўтказилган Халқаро таълим форумида 2030 йилгача қабул қилинган «Incheon declaration» да «таълим сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берувчи механизмларни амалиётга жорий этиш»¹, фан ва таълим ютуқларини ўқув материаллари мазмунига сингдириб бориш, математика фанини ўқитиш сифатини оширишга оид тенденцияларни амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор берилган.

Жаҳонда таълим олувчиларнинг таянч ва фанга оид компетенцияларини ривожлантириш, таълим мазмунини фан ютуқлари билан уйғунлаштириш методикасини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолашнинг халқаро дастурлари (PISA, TIMSS) бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Таълим олувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш моделини такомиллаштириш, компетенцияларнинг шаклланганлигини ташхислаш, ўқувчиларни алгоритмик ахборот алмашиш фаолиятига йўналтириш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси тасдиқланди, ёшлар таълим-тарбияси учун кўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббус амалиётга татбиқ этилди, умумий ўрта таълимнинг компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ҳамда фан ўқув дастурлари ишлаб чиқилди, таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларда иштирок этишнинг меъёрий асослари яратилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишида «умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, ... математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш»² вазифалари белгилиб берилган. Бу таълим жараёнини зарур ахборотлар билан таъминлаш, уларни ўзлаштириб боришнинг мақбул ечимларини топиш ва жорий қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш

¹ Incheon declaration // Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015. Incheon, Republic of Korea). – 48 p.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. № 6(766), 70–модда.

чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сон ва 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармонлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 187-сонли ва 2018 йил 8 декабрдаги «Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 997-сон қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Математика курсининг мазмуни ва ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича Б.Абдуллаева, С.Алихонов, М.Баракаев, М.Тожиев, Д.Юнусова³ каби олимлар тадқиқотлар олиб борган. Бошланғич синф ўқувчиларининг математик саводхонлигини шакллантириш ва ривожлантириш, уларнинг шахс сифатида ривожланишида ахборот муҳитининг таъсири масалалари бўйича Н.Бикбаева, М.Жумаев, Р.Мавлонова, Н.Раҳмонқулова, Б.Сабиров, А.Садикова, М.Тошпулатова⁴ кабилар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Таълим жараёнларини ахборотлаштириш, ахборот технологияларидан фойдаланиш, электрон муҳитда ахборот алмашишнинг назарий ва методик асослари А.Абдуқодиров, У.Бегимкулов, Г.Эргашева⁵ кабиларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Таълимда компетенциявий ёндашувнинг моҳияти

³ Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (Ижтимоий-гуманитар йўналишлардаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида). Пед. фан. док ... дисс. автореф. – Т., 2006. – 49 б.; Алихонов С. Математика ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 2011. – 354 б.; Тожиев М., Баракаев М., Хуррамов А. Математика ўқитиш методикаси // Ўқув қўлланма. – Т.: Fan va texnologiya, 2018. – 324 б.; Тожиев М., Хуррамов А. Таълим жараёнини педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган замонавий таълим усуллари – Т.: Фан ва технология, 2014. – 96 б.; Юнусова Д.И. Математикани ўқитишнинг замонавий технологиялари. – Т.: Фан ва технологиялар, 2011. – 200 б.

⁴ Бикбаева Н.У ва б. Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – 208 б.; Жумаев М. Болаларда математик тушунчаларни ривожлантириш назарияси ва методикаси. Т.: Илм зиё, 2005. – 223 б.; Мавлонова Р.А. ва б. Ижтимоий педагогика. – Т.: Истиклол, 2009. – 142 б.; Раҳмонқулова Н. ва б. Бошланғич таълимда педагогика, инновация, интеграция // Ўқув қўлланма. – Т.: Гофур Ғулом, 2013. – 270 б.; Сабиров Б.Е. Бошланғич синф ўқувчиларини информатика таълимига тайёрлаш методикаси. Пед.фан. ном. ... дисс. – Т., 2012. – 168 б.; Садыкова А.В. и д.р. Методика преподавания математики. – Т.: Турон-Иқбол, – 336 с.; Абдуллаева Б., Тошпулатова М., Садикова А., Жабборова Ю., Мухитдинова Н. Математика: ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – 175 б.

⁵ Абдуқодиров А.А. Бўлажак ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларига оид компетентлиги // «Педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалашда ахборот-коммуникация технологияларига оид компетенциялар» мавзусидаги анжуман материалари. – Т., 2015.; Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Пед. фан. док. ... дис. – Т., 2007.; Эргашева Г.С. Биология таълимида интерактив дастурий воситалардан самарали фойдаланишни такомиллаштириш. Пед. фан. док. (DSc) ... дис. автореф. – Т.: ТДПУ, 2018. – 56 б.

Ф.М.Закирова, Р.Г.Исянов, Н.А.Муслимов, А.К.Рахимов, Ж.Э.Усаровнинг⁶ илмий ишларида тадқиқ қилинган. Компетенцияларнинг шаклланганлигини таъхислаш ва коррекциялаш, компетенцияларни самарали ривожлантиришга оид ёндашувлар, ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг аҳамияти бўйича Ю.Асадов, М.М.Ваҳобов, А.М.Магруппов⁷ ва бошқ. тадқиқотлар олиб борган.

МДХ мамлакатлари тадқиқотчиларидан таълимда компетентли ёндашув масалалари: З.М.Большакова, О.А.Иманова, Н.А.Коновалова, С.А.Королькова, Н.Ф. Радионова, А.Н.Скляренко, А.В.Тимова, И.А.Зимняя⁸, «Математика» фанини ўқитишда компетенциявий ёндашув Р.М.Асланов, Т.Ю.Паршина, ўқитувчиларнинг математик ва методик компетентлигини ривожлантириш масалалари бўйича И.В.Кузнецова, Л.В.Шкерина⁹ ва бошқ. изланишлар олиб борган. Бошланғич синфларда «Математика» фанини ўқитишда компетенциявий ёндашувлар И.А.Королеванинг илмий ишларида тадқиқ этилган, ўқувчиларнинг ахборот манбаларидан фойдаланиш масалалари Н.А.Пионтковская, ахборотлар билан

⁶ Закирова Ф.М. Теоретические и практические основы методической подготовки будущих преподавателей информатики в педагогической вузах. – Т., 2005. – 154 с.; Исянов Р.Г. Кластерный подход в формировании модульной компетентности преподавателей высших образовательных учреждений. – Т.: ТГПУ, 2014. – 69 с.; Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед. фан. док. ... дис. – Т., 2007. – 337 б.; Рахимов А.К. Талабаларда табиий-илмий дунёкарашни ривожлантириш методикасини такомиллаштириш («Эволюцион таълимот» фанини ўқитиш мисолида). Пед. фан. док. (DSc) ... дис. – Т., 2019 й. – 296 б.; Усаров Ж.Э. Таянч ва фанга оид компетенциялар асосида таълим мазмунини такомиллаштириш ва ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш. Пед. фан. док. (DSc) ... дисс. – Т., 2019. – 267 б.

⁷ Асадов Й.М., Турдиев Н.Ш., Акбарова С.Н., Темиров Д.Ш., Бабаджонов С. Ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланганлигини таъхислаш ва коррекциялаш методикалари // Услубий қўлланма. – Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, 2016. – 160 б.; Ваҳобов М.М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш: Пед. фан. док. ... дисс. автореф. – Т., 2016.; Ваҳобов М.М. Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ҳамда таълим сифати мониторинги моделини амалиётга жорий этиш – интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашнинг муҳим омили. – Т.: Мактаб ва ҳаёт. №3 (119), 2016.; Магруппов А.М. Олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш. Пед. фан. док. (DSc) ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 69 б.

⁸ Большакова З.М., Тулькибаева Н.Н. Компетенции и компетентность // Образование. Педагогические науки. №4. – Челябинск, 2009. – С. 13-19.; Иманова О.А. Методика развития деятельностной компоненты медиакомпетентности учащихся старших классов средствами информационных технологий. Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Киров, 2010.; Коновалова Н.А. Развитие медиакультуры студентов педагогического вуза. Дисс. ... канд. пед. наук. – Вологда, 2004.; Королькова С.А. Компетентностный подход в профессиональном обучении // Вестник ВолГУ. Серия 6. 2008–2009. – С. 29-33.; Радионова Н.Ф. и др. Компетентностный подход в педагогическом образовании // Электронный научный журнал «Вестник Омского государственного педагогического университета». – Петербург, 2006. www.omsk.edu.; Скляренко А.Н. Технология формирования компетенций // методические рекомендации для преподавателя. – Москва, 2011. – 106 с.; Тимова А.В. Интерактивные методы как способ формирования профессиональных компетенций студентов // NovaInfo.Ru, №19, 2014. – С. 1–4.; Зимняя И.А. Компетентностный подход. Каково его место в системе современных подходов к проблемам образования? (теоретико-методологический аспект) // Высшее образование сегодня. 2006. № 8. – С. 20–26.

⁹ Асланов Р.М., Синчуков А.В. Компетентностный подход в подготовке учителя математики // Ярославский педагогический вестник. – Ярославль, 2010. №1. – С. 132–134.; Паршина Т.Ю. Развитие когнитивной компетенции студентов педагогических вузов процессе обучения элементарной математике. Автореф. дисс. ... кан. пед. наук. – Екатеринбург, 2012.; Кузнецова И.В. Развитие методической компетентности будущего учителя математики в процессе обучения математическим структурам в сетевых сообществах. Дис. ... док. пед. наук. – Архангельск, 2015. – 483 с.; Шкерина Л.В., Панасенко А.Н. Моделирование математической компетенции бакалавра. – Москва, 2012.

ишлаш компетенциясини шакллантириш масалалари В.В.Кюршунованинг¹⁰ илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Математика таълими сифатини ошириш соҳасида хориж олимларидан Bill Roberts, Mal Coad каби тадқиқотчилар изланишлар олиб боришган, компетенциявий ёндашув юзасидан дастлабки қарашлар ва бугунги кунда таълим соҳасидаги аҳамияти F.Delamare ва J.Winterton¹¹ томонидан ёритилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлили шуни кўрсатдики, турли давлатларда таълим жараёнига компетенциявий ёндашув татбиқ этилган, хусусан, Ўзбекистонда ҳам компетенциявий ёндашув асосида таълим жараёнини ташкил этиш мақсадида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва жорий қилинган, дарслик, ўқув-методик мажмуалар яратилган, аммо бошланғич синф математика дарсларида ўзлаштириладиган ўқув ахборотлари асосида ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-23 – «Бошланғич синф ўқитувчилари учун мультимедиа дарс ишланмалари мажмуасини яратиш» (2015-2017 йй.) мавзудидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларининг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчиларининг математика фанидан ўзлаштириш даражасини TIMSS (Trends in International Mathematics and Science Study) халқаро баҳолаш дастурига уйғунлаштириш асосида ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш;

ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясининг педагогик имкониятларини матн, тасвир, овоз ва рақам кўринишидаги ахборотларни интерпретация қилиш асосида ривожлантириш босқичларини аниқлаш;

математика фанини ўқитишнинг дидактик имкониятларини ўқувчиларни

¹⁰ Королева И.А. Современная реализация компетентного подхода в преподавании математики в начальных классах // «Современное образование: мировые тенденции и региональные аспекты» Сборник статей II Международной научно-практической конференции. – Могилёв. 2016.; Пионтковская Н.А. Методика обучения информатике на адаптационном этапе пропедевтического курса начальной школы. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Ярославль, 2009. – 22 с.; Кюршунова В.В. Становление информационной компетентности будущего учителя начальных классов. Дис. ... канд. пед. наук. – Петрозаводск. 2006. – 210 с.

¹¹ Bill Roberts, Sandy Mac Kenzie. Mathematics: Higher level for the IB diploma (CD inside). Oxford University Press. 2007. 184 p.; Mal Coad and other. Mathematics for the international student: Mathematical Studies SL second edition (For use IB diploma programme). Haese and Harris Publications. 2010. – 198 p.; Delamare F. & Winterton J. What is Competence? – Human Resource Development International, Vol. 8, No.1, March 2005. pp. 27–46.

фаол ва алгоритмик ахборот алмашилиш фаолиятига босқичма-босқич йўналтириш асосида такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш моделини бошланғич синф «Математика» фанидан ўқув ахборотларини таҳлилий-синтетик қайта ишлаш, имитацияларини яратиш, ўқув материалларини интерпретация қилиш асосида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти – бошланғич синф ўқувчиларининг математика дарсларида ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети – бошланғич синф ўқувчиларининг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида унинг мақсад ва вазибаларига қаратилган кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, моделлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат, натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг математика фанидан ўзлаштириш даражасини TIMSS (Trends in International Mathematics and Science Study) халқаро баҳолаш дастурига уйғунлаштириш асосида ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантирилган;

ўқувчиларнинг матн, тасвир, рақам кўринишидаги ўқув материалларини интерпретация қилиши асосида ахборотлар билан ишлаш компетенциясининг педагогик имкониятларини ривожлантириш босқичлари аниқланган;

математика фанини ўқитишнинг дидактик имкониятлари ўқувчиларни алгоритмик ахборот алмашилиш фаолиятига босқичма-босқич йўналтириш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш модели бошланғич синф «Математика» фанидан ўқув ахборотларини таҳлилий-синтетик қайта ишлаш, имитацияларини яратиш, ўқув материалларини интерпретация қилиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

компетенциявий ёндашув асосида халқаро баҳолаш дастурларига уйғунлаштирилган ДТС ва ўқув дастури ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг ахборотлар билан ишлаш компетенциясининг педагогик имкониятларини ривожлантиришга йўналтирилган умумий ўрта таълим мактабларининг 3-синфи учун «Математика» (ISBN 978-9943-26-911-8) дарслиги яратилган ва амалиётга жорий қилинган;

компетенциявий ёндашувга асосланган таълим муҳитида ўқувчиларни фаол ва алгоритмик ахборот алмашилиш фаолиятига босқичма-босқич йўналтириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар асосида 5111700 – «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» йўналиши учун «Математика

ўқитиш методикаси» дарслиги (Ўқув адабиётининг нашр рухсатномаси: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги №394 сонли буйруғига асосан) ва «Бошланғич синфларда математика фанидан атамаларнинг изоҳли луғати» (Республика таълим маркази ҳузуридаги «Бошланғич таълим» йўналиши бўйича Илмий-методик кенгашнинг кенгайтирилган 2018 йил 28 сентябрдаги №3 сонли йиғилиш баённомаси асосида нашрга тавсия қилинган) яратилган;

бошланғич синфлар учун «Математика» фанидан ўқув ахборотларини таҳлилий-синтетик қайта ишлаш, имитацияларини яратиш, ўқув материалларини интерпретация қилиш асосида ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК тавсия этган журналлар ҳамда хорижий илмий нашрларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган дарсликлар, кўлланма ва у ҳақидаги тақризлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган, такомиллаштирилган методик тизим ва тавсиялардан бошланғич таълимда математика фанини ўқитишда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва натижаларининг бошланғич таълимда қўлланаётгани ҳамда такомиллаштирилган методик тизим ва дарсликлардан янги авлод ўқув адабиётларини яратишда фойдаланилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларининг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

халқаро баҳолаш дастурлари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг математика фанидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш ҳамда ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришга оид берилган таклифлардан умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларининг мазмунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3944-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг фанга оид ахборотларни ўзлаштириш даражаларини халқаро стандартлар асосида аниқлаш имконини берган;

ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенцияси педагогик имкониятларини матн, тасвир, рақам кўринишидаги ахборотларни интерпретация қилиш асосида ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар умумий ўрта таълим мактабларининг 3-синфи учун «Математика» (ISBN 978-9943-26-911-8) дарслигини ишлаб чиқишда татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3944-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синфларда математика таълими

мазмуни ва фаннинг ўқувчилар томонидан ўзлаштириш имкониятлари ҳамда фанни ўқитиш самарадорлиги оширилган;

Математика фанини ўқитишнинг дидактик имкониятлари ўқувчиларни алгоритмик ахборот алмашилиш фаолиятига босқичма-босқич йўналтириш асосида ўқув ахборотларини ўзлаштириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар «Математика ўқитиш методикаси» дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3944-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги 394-сонли буйруғига асосан ўқув адабиётининг нашр рухсатномаси). Натижада, бошланғич синфларда «Математика» фанини ўқитишнинг замонавий ўқув-методик таъминоти ва дидактик имкониятлари такомиллаштирилган;

бошланғич синф «Математика» фанидан ўқув ахборотларини таҳлилий-синтетик қайта ишлаш, имитацияларини яратиш, ўқув материалларини интерпретация қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялардан 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-23 рақамли «Бошланғич синф ўқитувчилари учун мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3944-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларининг математика фанидан ўқув ахборотлари билан ишлаш компетенцияси ривожлантирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 2 та дарслик, 1 та ўқув ва услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, 3 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотнинг усуллари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ҳамда уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобда бошланғич синф ўқувчиларининг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик ва назарий жиҳатлари: таълимда тизимли ва узлуксиз компетенциявий ёндашув, «компетенция» тушунчасининг мазмун-моҳияти, илмий жиҳатдан асосланиши; ижтимоий ва педагогик зарурият сифатида ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш мавжуд ҳолатлар таҳлилидан келиб чиқиб асослаб берилган.

Тадқиқотлар таҳлили кўрсатишича, ахборотлардан фойдаланиш кўлами жамият ҳаётида муайян даражада аҳамият касб этиб, унинг ривожланиш даражасини белгилаб беради. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, хусусан, таълим олувчилар ҳам фаол ахборот истеъмолчиси сифатида ўқув ва ҳаётий фаолиятларида мунтазам равишда ахборотлар билан ишлай олиши уларда ахборотлар билан ишлаш компетенциясини шакллантириш ҳамда ривожлантиришни талаб этади. Ушбу тадқиқот ишининг ғояси учун «ахборотлар билан ишлаш компетенцияси»нинг таърифи сифатида умумий ўрта таълимнинг ДТС га кўра, ўқувчиларда манбалардан зарур маълумотларни излаб топиш, саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, улардан самарали фойдалана олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, медиа маданиятга эга бўлиш лаёқатини шакллантириш назарда тутилиши асос қилиб олинди.

Ахборотлашган жамиятнинг асосий талаби ўзлаштирилган ахборотлар миқдори билан эмас, балки ўзлаштирилган ахборотларни тегишли соҳалар ва ҳаётий фаолият давомида қўллай олиш даражаси билан белгиланади. Демак, таълимда эришилган самарадорлик ўзлаштирилган ахборотлар билан бирга, ўқувчиларнинг ўзлаштирилган ахборотлардан фаол ҳаётий позицияни эгаллаш учун фойдалана олиши билан ҳам белгиланади. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларни ўзлаштирилган ахборотларни ўқув ва ҳаётий фаолият турларининг стандарт ва ностандарт вазиятларида қўллай олишга тайёрлаши билан характерланади.

Ўқув ахборотларидан самарали фойдаланиш, уларни фан соҳаларида кўллаш олиш ахборотларнинг мазмун–моҳияти ва функциясини тушуниш, онгли равишда ўзлаштириб бориш асосида амалга оширилади. Ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш жараёнини фан соҳаларига оид бўлган ахборотлар билан таъминлаш фундаментал ахборотлар захирасини яратиш омили сифатида ўрганилиб, таълим жараёнини зарур ўқув ахборотлари билан таъминлаш модели шакллантирилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Таълим жараёнини ўқув ахборотлари билан таъминлаш модели

Таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш таълим олувчиларнинг ҳаётий фаолият учун зарур бўлган тайёргарлик даражасини аниқлаш, таълим сифатининг жаҳон таълим стандартлари билан рақобатбардошлигини таъминлаш ва халқаро тадқиқотлар натижаларини таълим жараёнига татбиқ этиш имконини беради. Бошланғич синфларда математика фанини ўзлаштириш даражасининг халқаро баҳолаш дастурларига уйғунлигини аниқлаш, ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясининг ривожланганлик даражаси динамикасини тадқиқ қилиш бўйича таҳлилий изланишлар олиб борилди. Амалдаги давлат таълим стандартларининг малака талаблари, фан ўқув дастури, мавжуд дарсликлардаги мавзулар мазмуни ва манбалари, шунингдек, таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотлар материаллари, ривожланган хорижий давлатларларда умумий ўрта таълимнинг бошланғич таълимида математика фани бўйича ўқув дастурларининг ўзаро тавсифий таҳлили асосида тасвир кўринишидаги ахборотлардан ўқув материаллари сифатида фойдаланишда объектларни тасвирлашнинг перспектива қоидаларига амал қилиш, амалий характердаги топшириқлар ва улар учун ҳаётий муҳим намуналардан фойдаланиш, объектлар ва моделлар тўғрисидаги ахборотларни интеграция қилиш зарурати аниқланди.

Диссертациянинг «**Бошланғич синф математика дарсларида ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи бобда математика дарсларида ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш ва амалиётга жорий қилишнинг методик тизимини ишлаб чиқиш ҳамда ундан фойдаланишнинг дидактик жиҳатлари; халқаро баҳолаш дастурларига уйғунлаштириш асосида ўқув ахборотларини ҳажми ва мазмунига кўра танлаш ҳамда уларни тавсифлаш масалалари ўз ифодасини топган.

Маълумки, бошланғич таълимда ўрганиладиган ўқув фанлари таълимнинг кейинги босқичларида ўрганиладиган фанлар учун пропедевтик материаллар (фанлар юзасидан қатъий алгоритм асосида, аниқ мақсад сари қуйи босқичда ўрганиладиган ахборотлар) билан таъминлашни назарда тутди. Хусусан, бошланғич синфларда математика фани алгебра, геометрия, информатика каби фанлар учун пропедевтик материаллар (ушбу фан соҳалари бўйича ўқув ахборотлари) билан ишлаш (ахборотлар тўплаш асосида ўзлаштириш, бирламчи қайта ишлов бериш асосида қўллаш олиш) га ўргатишнинг дастлабки босқичи сифатида характерланади.

Бошланғич таълимда ўқув материалларининг асосий манбаси бу – дарсликлардир. Дарсликлар мазмунини такомиллаштириш фан бўйича муаммонинг қўйилиши ҳамда ечимини ҳал қилишда қатнашувчи ахборотлар мазмуни, оқими ва ҳажмини белгилаш асосида амалга оширилади. Тадқиқот ишида ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришга оид дарсликларда бериладиган ўқув ахборотларининг мазмуни ва ҳажмини ўқувчиларнинг математика фанидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш бўйича TIMSS халқаро дастурига уйғунлаштириш асосида танлаш юзасидан ишлаб чиқилган тавсияларга кўра, ўқув ахборотлари:

- 1) бошланғич синф ўқувчилари хотираларининг кўргазмали-образли характеридан келиб чиқиб, ўқув материалларининг тасвирий ифодаланиши;
- 2) назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш мақсадида ўқув материалларининг амалий кўникмалар ҳосил қилиши;
- 3) ўқув материалларини тайёрлашда ахборотларнинг турли кўринишларидан фойдаланилганига (ахборотларнинг имитациясини яратиш, интеграция ва интерпретация қилиш имкониятини бериши) аҳамият қаратилди.


Ўқувчиларнинг ҳаётий фаолияти давомида моддий борликдаги предметлар, атрофдаги воқеа-ҳодисалар, ўз хатти-ҳаракатлари, ижтимоий муносабатлар тўғрисидаги ахборотларни доимий таҳлил қилиши, баҳолаб бориш асосида эслаб қолиши, англаш асосида қўллаш олиши ўрганилаётган ахборотнинг аҳамиятини тушунишда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун математика дарсларида ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш жараёнини мустақил ҳаётий фаолиятлар давомида ахборотлар билан ишлаш каби ёндашув (ахборотларни таҳлил қилиш, синтез қилиш, баҳо бериш асосида эслаб қолиш ҳамда тушуниш асосида қўллаш)

бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ахборотларнинг таҳлили ва синтези ахборотларни ўзлаштиришнинг мукамал даражаси сифатида англаган ахборотни эслаб қолиш ҳамда қўллай олишга ёрдам беради. Масалан, ўқувчиларни ўрганилган ўқув ахборотининг ҳаётий фаолият учун аҳамиятини тушуниш асосида қўллай олишга ўргатиш мақсадида қуйидагича кўринишдаги топшириқлар ишлаб чиқилди ва умумий ўрта таълим мактабларининг 3-синфи учун «Математика» (ISBN 978-9943-26-911-8) дарслигини яратишда татбиқ этилди:

1. Расм асосида масала тузинг ва ечинг:



2. Тўғри тўртбурчак шаклидаги қоғозни тенг иккига буклаб, сўнг расмдаги каби яна иккига букланг. Ҳосил бўлган тўртбурчакнинг томонларини ўлчанг. Олинган натижага асосланиб, ёйилган қоғоз варағининг периметрини топинг.



Бундай топшириқлар ўқувчини ўқув ахборотларини ўзлаштиришга жалб қилиб, уларнинг ҳаётий фаолият учун аҳамиятини тушунишга ёрдам беради.

Компетенциявий ёндашув асосида ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар учта йўналишга ажратилди:


1. Ахборотларнинг имитацияларини яратишга доир топшириқлар.

2. Ахборотларни интеграция қилиш (турли кўринишдаги ахборотлар билан ишлашда уларни ўзаро интеграция қилишга доир; ахборотларни таҳлилий-синтетик қайта ишлашни амалга оширишда объектлар ва моделларни улар тўғрисидаги ахборотлар билан боғлаш (интеграция қилиш) ёки тасвирлаш) га доир топшириқлар.

3. Турли кўринишда берилган ахборотларни интерпретация қилиш асосида бир кўринишда берилган ахборотни бошқа кўринишга ўтказишни ўргатишга доир топшириқлар.

Математика дарсларида турли кўринишдаги ахборотлар устида ишлаш жараёнининг қайта ишлаш ва қўллаш босқичларида ахборотнинг моҳиятини тушуниш асосида изоҳлаб бериш ҳамда интерпретация қилишга ўргатишда, аввало, ахборотни турли кўринишда ифодалаш мумкин эканлиги амалий тарзда тушунтирилади. Масалан, матн кўринишида берилган масаланинг шартини рақам, тасвир кўринишидаги ахборотлардан фойданиб интерпретация қилиш ва ҳ.к.

Тадқиқот жараёнида математика дарсларида ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришнинг мақсадли, концептуал, ташкилий-технологик, натижавий-баҳолаш компонентларидан ташкил топган ташкилий-тузилмавий модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш модели

Моделнинг мақсадли компоненти ижтимоий зарурият сифатида белгиланган меъерий-ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш асосида ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилди.

Концептуал компонентда бошланғич синф ўқувчиларининг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш – компетенциявий, шахсга йўналтарилган, интегратив, тизимли-фаолиятли ёндашувлар ва мослашувчанлик, амалиёт билан боғлиқлик, табиийликка асосланиш, интерпретация тамойиллари асосида амалга ошириш ҳамда ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш технологиясининг босқичлари кўрсатилди. Тадқиқотда илгари сурилган ғояларни амалиётга жорий қилиш мотивацион, когнитив, креатив ва жараёнли босқичларда амалга оширилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш технологиясининг босқичлари

Босқич	Мазмуни	Амалга ошириладиган ишлар
Мотивацион	Ўқувчиларнинг манбалардан зарур ахборотларни излаб топиш ҳамда улардан самарали фойдаланишга қизиқиш ва эҳтиёжини ривожлантириш	Таълим жараёнини зарур ахборотлар билан таъминлаш, ўқув ахборотларини ўзлаштиришнинг ўқув ва ҳаётий фаолиятдаги аҳамиятини тушунтириш асосида ўқувчиларнинг қизиқиш ҳамда эҳтиёжини ривожлантириш, ўқув материаллари сифатида тақдим этиладиган ахборотлар мазмунини таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотлар натижаларининг таҳлиллари асосида такомиллаштириш.
Когнитив	Ўқувчиларнинг ўқув ахборотлари билан ишлай олиши учун зарур ахборотларни билим сифатида ўзлаштириши	Ўқувчиларнинг математика фани ўқув ахборотларини ўзлаштиришлари учун назарий билимлар ва зарур таянч тушунчаларнинг мазмун–моҳиятини англаш асосида тушунтириши, интерпретация қила олишига эришиш, ахборотлашган муҳитда мослашувини таъминлаш.
Креатив	Ўқувчиларнинг ўқув ахборотлари билан ишлаш давомида ижодий ёндашувини қарор топтириш	Ўзлаштирилган ахборотларни тегишли фан соҳалари бўйича стандарт ва ностандарт вазиятларда қўллай олиши учун вазиятларни баҳолай олиш, керакли фаразларни илгари суришда ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш жараёнида ижодий ёндашувни юзага келтирувчи омилларни такомиллаштириш.
